



ТЕРГОВЧИНИНГ ИСБОТЛАШ ЖАРАЁНИДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХУССУСИЯТЛАРИ

Таджиев Азамат Алибаевич

ИИБ Академияси Криминалистик экспертизалар
кафедраси доценти, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20567878>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil

Ma'qullandi: 28-may 2026 yil

Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

KEYWORDS

махсус билимлар, терговчи,
исботлаш жараёни, ишни судга
қадар юритиш, мутахассис,
эксперт, суд экспертизаси,
рақамли излар,
криминалистика.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида терговчи томонидан махсус билимлардан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф терговчининг исботлаш жараёнидаги марказий ўрни, мутахассис ва экспертни жалб этиш зарурати, суд экспертизасини тайинлаш ҳамда олинган натижаларни баҳолаш билан боғлиқ масалаларни ёритади. Шунингдек, мақолада махсус билимлар тушунчасининг қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги, терговчининг касбий билимлари билан махсус билимлар ўртасидаги нисбат, рақамли излар, веб-ресурслар ва техник воситалардан фойдаланиш имкониятлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Хулоса сифатида, замонавий шароитда терговчининг махсус билимлардан оқилона фойдаланиши исботлаш жараёнининг тўлиқлиги, холислиги ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири эканлиги таъкидланади.

Ишни судга қадар юритиш босқичида махсус билимлардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади, зеро айнан шу даврда жиноят иши бўйича асосий исбот-далиллар базаси шакллантирилади. Мазкур жараёнда марказий ўринни терговчи эгаллайди. У исботлаш жараёнини ташкиллаштиради, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов йўналишини белгилайди, шунингдек, мутахассисни жалб этиш ёхуд суд экспертизасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, терговчининг касбий лаёқати Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини билиш билангина чекланиб қолмайди. Тергов давомида у ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, жумладан, фуқаролик, маъмурий ва конституциявий ҳуқуқ қоидаларидан ҳам хабардор бўлиши, шунингдек, криминалистика, психология, информатика ҳамда илмий ва амалий фаолиятнинг бошқа соҳаларига оид билимлардан фойдаланиши лозим. Бундай соҳалараро билим терговчига тергов ҳолатларини тўғри баҳолаш, мутахассис ва экспертга саволларни аниқ

шакллантириш, шунингдек, исботлаш жараёнининг тўлиқлиги ва холислигини таъминлаш имконини беради.

Текшириш махсус билимларни талаб қиладиган ҳолатлар юзага келганда, терговчи суд экспертизасини тайинлашга, мутахассисни жалб этишга ҳақли (ЖПКнинг 67, 69-моддалари). Лекин бу ҳолат қандай бўлиши кераклиги қонунчиликда ҳар доим ҳам аниқ белгиланмаган. Терговчи қачон экспертга, мутахассисга мурожаат қилиши шартлиги тўғрисидаги айрим нормалар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36, 85–91, 173-моддаларида мустақамланган.

Ҳозирги кунда билим соҳалари бўйича мутахассисларнинг сон-саноксиз турлари мавжуд бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, бир пайтлар ҳеч қандай ихтисослашувга эга бўлмаган шифокор касби мавжуд эди, бугун эса тиббий мутахассисликларнинг кўплаб турларини кўришимиз мумкин. Техника, иқтисодиёт, педагогика ва бошқа мутахассисликларни келтириш мумкин.

Жиноят процессида махсус билимларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамай, ушбу ҳодисанинг қонуний тушунчаси мавжуд эмас.

Юридик адабиётларда махсус билим тушунчасига турлича ёндашувлар мавжуд. Улардан бирига кўра, мутахассис кенг маънода оддий билимга эга бўлмаган, балки махсус таълим олган шахс сифатида белгиланади [1, 316-б.]. Таълим тўғрисидаги дипломнинг ўзи шахснинг махсус билимга эга эканига кафолат бўла олмайди. Масалан, амалий тажрибаси йўқлиги ёки билим даражаси пастлиги сабабли унинг малакаси етарли бўлмаслиги мумкин. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, исботлаш жараёнида мутахассиснинг фикри қабул қилиниши учун унинг нафақат маълумоти, балки ўз мутахассислиги бўйича амалий фаолият тажрибаси, ижобий обрўси, муайян соҳадаги ютуқлари бўлиши ва бу ютуқлар тегишли ҳужжатлар (диплом, меҳнат шартномасидан ёки лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, гувоҳнома, сертификат ва ҳоказолар) билан тасдиқланиши керак.

Шу муносабат билан терговчининг ўзида мавжуд махсус билимлардан мустақил фойдаланиш имконияти ҳақида савол туғилади. Бу масала мунозарали ва баҳслидир [2, 50–55-б.]. Бир томондан, терговчининг касбий фаолият доирасига кирадиган билимлар махсус билимлар деб тан олинмаса, иккинчи томондан, С. А. Шейфер таъкидлаганидек, терговчи тергов масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган махсус билимлар соҳасини, тайинланадиган суд экспертизаси турини, тадқиқот объектларини мустақил белгилайди, шунингдек, ўтказилган тадқиқот натижаларини баҳолайди [3, 7–8-б.].

Терговчининг мазкур ҳаракатлари унинг мустақил равишда тадқиқот ўтказиши, бу жараёнда маълумотларни бевосита идрок этиб, хулосалар чиқариши билан боғлиқ эмас. Терговчи эксперт ёки мутахассиснинг ишлаши учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни таъминлайди. Хўш, терговчи ўзининг касбий тайёргарлик тизимида кирадиган ҳуқуқий билимлардан ташқари махсус билимлар эгаси ҳисобланадими? Бу борада замонавий илмий қарашлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланган мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз.

Табиийки, терговчи дастлабки тергов жараёнида юзага келадиган барча махсус масалаларни мустақил ҳал этиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга тўлиқ эга бўла олмайди. Шу боис исботлаш жараёнида у мутахассис ва

экспертлар томонидан қўлланилган махсус билимлар натижаларини баҳолайди, текширади ва улардан процессуал қарорлар қабул қилишда фойдаланади. Бундай натижаларга мутахассис ва экспертнинг хулосалари, процессуал ҳаракатларни ўтказиш ёки уларга тайёргарлик кўриш жараёнида мутахассис томонидан берилган ёрдам ва маслаҳатлар, шунингдек, сўроқ давомида эксперт берган кўрсатувлар киради.

Терговчи жиноятларни тергов қилиш жараёнида ўз процессуал мақомига кўра махсус билимлардан ташқари, терговнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга имкон берадиган билим ва тажрибалардан ҳам фойдаланади. Жиноят изларини аниқлаш ва олишнинг техник воситаларини қўллаш, тергов ҳаракатларининг боришини қайд этиш учун зарур бўлган билимлар, шунингдек, интернет тармоғида ёки техник қурилмаларда ғайриқонуний қилмишлар изларини аниқлаш имконини берувчи баъзи турдаги дастурий таъминотлар кўпчилик, жумладан, терговчи учун ҳам очиқдир. Терговчи бундай махсус билимлардан фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, агар жиноятчининг вақт ўтказадиган, ўз рақамли изларини қолдирадиган жойи ёки жиноят содир этилган манзил веб-ресурс бўлса, терговчи мустақил равишда ёки мутахассис ёрдамида бундай ресурсни текшириш, тадқиқ этиш ҳамда жиноят иши учун аҳамиятли маълумотларни излашга қаратилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Қидирувнинг йўналишлари ва усуллари кўп. Буларга фото ва видео контентни, масалан, жиноят ҳодисасига алоқадор шахсларнинг тасвирларини излаш, уларнинг иш жойи ёки касбий фаолият соҳасини, мулоқот доирасини аниқлаш ҳамда ижтимоий тармоқларда, сайт ва чатлардаги шарҳларда, нашрларда ва шу кабиларда тарқалиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни олиш киради.

Бугунги кунда терговчига, вазиятни дастлабки баҳолаш, яъни мутахассис тадқиқот ўтказгунга қадар турли махсус билимлар керак бўлади. Масалан, тергов ҳаракатлари (ҳодиса жойини ёки ашёни, ҳужжатни кўздан кечириш, тинтув, шахсий тинтув, сўроқ) ўтказилаётганда зудлик билан жавоб беришни талаб қиладиган саволлар туғилиши мумкин. Айтайлик, экстремистик ва террористик фаолиятда, гиёҳванд моддалар ва ўқотар қуроолларни тайёрлаш ҳамда тарқатишда ишлатиладиган материаллар ва объектларни, шунингдек, ноқонуний муомаладаги бошқа нарсаларни аниқлашда терговчидан билим талаб этилиши мумкин. Бундай ҳолатларни дастлабки баҳолаш процессуал ҳаракатларни, жумладан, мажбурлов чораларини қўллаш ва кейинчалик суд экспертизасини тайинлаш масаласини ҳал қилиши зарур. Терговчи эксперт ёки мутахассис хулосасини олгач, унинг ишга дахлдорлиги ва исботлаш жараёни учун мақбуллигини баҳолаши керак. Агар тадқиқотда мураккаб билимлар қўлланган бўлса, натижани баҳолаш учун билимдон мутахассисни таклиф қилиш зарур, бошқа ҳолларда эса терговчи уни ўзи таҳлил қилиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, терговчини махсус билимлардан фойдаланувчи процесс иштирокчиси сифатида баҳолаш мумкин. Кўплаб муаллифлар ҳам ўз таснифларида терговчини махсус билим эгаси сифатида кўрсатиб ўтганлар [4, 278–280-б.]. Замонавий шароитда жиноятлар содир этиладиган соҳалар тобора мураккаблашиб бормоқда. Бу эса терговчининг билим доираси ҳам доимий равишда кенгайиб боришини талаб этади. Шу билан бирга, терговчиларни тайёрлаш жараёнида

ўқув фанлари дастурлари ҳам янгиланиб, амалиёт учун зарур бўлган янги билимлар билан бойитилмоқда.

Бугунги кунда терговчи процессуал ҳаракатларни ўтказишда нафақат криминалистик тактик усуллардан, балки шахс хулқ-атвори, шахслараро муносабатлар, психологик қонуниятлар ва психофизиологияга оид билимлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бундай билимлар тергов фаолиятига тўсқинлик қилмайди, аксинча, процессуал ҳаракатларни самарали ташкил этишга ёрдам беради. Айниқса, рақамли технологиялар ривожланган ҳозирги даврда жиноят излари кўп ҳолларда электрон ахборот манбаларида, интернет-ресурсларда, ижтимоий тармоқларда, мессенжерларда, видеокузатув тизимларида ва техник қурилмаларда акс этади. Шу сабабли терговчи рақамли маълумотларнинг криминалистик аҳамиятини дастлабки баҳолай олиши, уларни процессуал тартибда олиш ва текшириш йўналишини белгилаши, зарур ҳолларда эса мутахассис ёки эксперт имкониятларидан самарали фойдаланиши лозим.

Шу билан бирга, терговчи томонидан муайян махсус билимлардан фойдаланиш мутахассис ёки эксперт иштирокини истисно этмайди. Агар қонун талаби ёки иш ҳолатлари шуни тақозо этса, терговчи тегишли мутахассисни жалб қилиши ёки суд экспертизасини тайинлаши шарт. Терговчининг махсус билимлардан фойдаланиш натижалари эса қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган тергов ҳаракати баённомасида акс эттирилган тақдирда, улар исботлаш жараёнида аҳамиятли маълумот сифатида баҳоланиши мумкин.

Фан, техника, рақамли технологиялар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларининг ривожланиши терговчи эгаллаши лозим бўлган билимлар доирасини янада кенгайтирмоқда. Бундай жараёнлар ишни судга қадар юритиш сифатини ошириш, исботлаш жараёнини такомиллаштириш ва тергов фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади..

Адабиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик // Муаллифлар жамосаси – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 553 б.
2. Пермяков А.Л. Следователь как непосредственный обладатель специальных знаний // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2017. № 2.
3. Шейфер С.А. Система следственных действий: каковы пути ее развития // Законы России: опыт, анализ, практика. 2015. № 2.
4. Криминалистика. Учебник. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2008. 496 с.